

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Хиндистон
Республикаси Хукумати ўртасида тузилган хаво
катнови тўғрисидаги

Б И Т И М

Қуйида "Ахдлашувчи Томонлар" деб аталувчи Ўзбекистон
Республикаси Хукумати ва Хиндистон Республикаси Хукумати

1944 йил 7 декабрда Чикагода имзолаш учун очилган Халқаро
фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни тан олган ҳолда;

фуқаро авиацияси соҳасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш
ҳамда ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида ва сарҳадларида хаво
катновини йўлга қўйиш ҳамда Битим тузиш истиқиди;

Қуйидагилар хусусида ахдлашдилар:

1-модда

АТАМАЛАР

Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу
Битимнинг мақсадлари йўлида:

1) "Авиация маъмурлари" атамаси Ўзбекистон Республикасига
нисбатан Фуқаро Авиацияси Департаменти Бошлиғини, Хиндистонга
нисбатан эса Фуқаро Авиациясининг Бош Директорини, ёки ҳар иккала
томонга нисбатан юқорида уқтириб утилган ташкилотлар ҳозирги
вақтда бажараётган ишларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар
қандай шахс ёки органи билдиради;

2) "тайинланган авиақорхона" атамаси бир Ахдлашувчи Томон
авиация маъмурлари ёзма равишда иккинчи Ахдлашувчи Томон авиация
маъмурлари учун тайинлаган ва ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ
ваколат берилган авиация қорхонасини билдиради;

3) "Конвенция" атамаси 1944 йил 7 декабрда Чикагода имзолаш
учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни,
шунингдек, унга ушбу Конвенциянинг 90-моддасига мувофиқ киритилган
ҳар қандай Иловани ва Ахдлашувчи Томонлар эътироф этадиган
Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига мувофиқ Иловаларга ва
Конвенцияга киритилган ҳар қандай тузатишни англатади;

4) "худуд", "хаво йули", "халқаро хаво йули", "тижоратга тааллуқли бўлмаган мақсадларда тўхташ" атамалари Конвенциянинг 2 ва 96-моддаларида таъкин этилгани каби маъноларни англатади.

2-модда

ХУКУҚЛАР БҒРИШ

1. Хар бир Аҳдлашувчи Томон иккинчи Аҳдлашувчи Томонга Иловада кўрсатилган йўналишлар бўйича халқаро хаво йўлларида мунтазам катновни йўлга қўйиши ва амалга ошириши учун ушбу Битимда тавсифланган ҳуқуқларни беради. Бундай йўллар ва йўналишлар бундан буён матнда "шартлашилган йўллар" ва "белгиланган йўналишлар" деб аталади.

2. Хар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ушбу Битим қоидаларига мувофиқ тайинланган авиақорхонаси:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан кўнмаган ҳолда учиб ўтиш;

б) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида тижоратга тааллуқли бўлмаган мақсадда қўниш; ва

в) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида мазкур Битимнинг Иловасида муайян йўналиш учун белгиланган пункт(лар)да йўловчилар, юк ёки почта олиш ва тушириш мақсадида қўниш ҳуқуқларидан фойдаланади.

3. Ушбу модда 2-бандининг ҳеч қайси қоидаси бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхонасига хаво кемаси ичига иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи манзилгача юк олиш ҳуқуқини беради деб қаралмаслиги лозим.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг халқаро парвозларни бажарувчи хаво кемаларининг ўз ҳудудига учиб келиши ва ундан учиб кетишини ёхуд бундай хаво кемаларидан фойдаланиш ёки уларнинг катновини тартибга солишга доир қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхонасига қаршли хаво кемаларига нисбатан ҳам улар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлган пайтларида қўлланилади.

5. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг йўловчилар, экипажлар, юклар ва почтанинг ўз ҳудудига келишини, ўз ҳудудида бўлиб туришини ва ўз ҳудудидан жўнатилишини тартибга солувчи қонун ва қоидалари, жумладан, паспорт, божхона, валюта ва санитария ва карантинга доир расмийатчиликларни тартибга солувчи бошқа қоидалари

Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонага қарашли ҳаво кemasидаги йўловчиларга, экипажларга, ташиладиган юклар ва почтага нисбатан ҳам улар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига келган, унда бўлиб турган ва ундан жўнатиладиган пайтларида қўлланилади.

3-модда

АВИАКОРХОНА ТАЙИНЛАШ

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон белгиланган йўналишлар бўйича шартлашилган йўлларида фойдаланиш мақсадларида иккинчи Аҳдлашувчи Томон учун ёзма тарзда бир ёки бир неча авиакорхона тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Бундай тайинлаш туғрисидаги хабарни олганидан кейин иккинчи Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг 2 ва 3-бандлари қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонанинг учишига дарҳол тегишли рухсатнома беради.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан у одатда қайд этилган маъмурлар халқаро ҳаво йўлларида фойдаланиш чоғида Конвенцияга мувофиқ татбиқ этиладиган қонунлар ва қоидаларда қўрсатилган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботловчи далилларни талаб қилишга ҳақлидир.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан бири тайинланган авиакорхонага эгалик қилишда устунлик ва ҳақиқий назорат бу авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига тегишли эканлигини исботлаш учун далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг 2 - бандида қўрсатилган парвозларга рухсат беришни рад этиши ёки узи тайинланган корхона қандай бўлганида ҳам 2-моддада қўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланаётганида бажариши зарур деб ҳисоблайдиган шартлар ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу банддаги "эгалик қилишдаги устунлик ва ҳақиқий назорат" иборалари шунинг аниқлашдигани; агар тайинланган авиакорхона ўз йўлларида ушбу Битимга мувофиқ фойдаланадиган бошқа ҳар қандай мамлакатнинг авиакорхонаси билан ҳар қандай шартнома тузса, башарти, авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон ёки унинг фуқаролари тайинлаган авиакорхона мол-мулкнинг катта қисмида эгалик қилиши билан бирга:

а) тайинланган авиакорхонани бошқариш устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш, ва

б) йўللардан фойдаланиш чоғида ишлатиладиган ҳаво кемалари ва қурилмаларига эгалик ҳуқуқи ва уларни ҳақиқий назорат қилиш.

имконига эга бўлсалар, авиакорхонани тайинлаган Ахдлашувчи Томон ёки унинг фуқаролари эгалик қилишда устунлик ва ҳақиқий назорат ҳуқуқига эга деб қаралмайдилар.

5. Ана шу тарзда тайинланган ҳамда тегишли рухсатнома олган авиакорхона ушбу модданинг ҳамда 10 ва 12-моддаларнинг барча қоидалари бажарилгани ҳолдагина исталган вақтда шартлашилган ташиш ишларини бошлашга ҳақлидир.

4-модда.

ПАРВОЗГА ДОИР РУХСАТНОМАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ АМАЛДА-ТУХТАТИБ ҚУЙИШ

Ҳар бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ўзининг қонун ва қоидаларига риоя этмаётган бўлса ёки ўз фикрига кўра ушбу Битимда назарда тутилган ҳуқуқларнинг берилишига сабаб бўлган шартлар бажарилмаётган бўлса, у парвоз учун берилган рухсатномаларни бекор қилиш ёки амалдан тўхтатиб қўйиш ёхуд ўзи зарур деб ҳисоблайдиган шартлар қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади. 3-модда 4-бандининг шартлари бажарилмаётган ҳолларда ҳам шу қоидалар қўлланади. Агар қонунлар бузилишини, қоидалар ёки ушбу Битим шартларининг бундан бўёнига яна бузилишини бартараф этиш учун парвозларни тўхтатиш ёки бошқа шароит зарур шароитлар яратиш учун шилинч ҳаракатлар талаб қилинмаса, бундай ҳатти-ҳаракатлар ушбу Битимнинг 16-моддасига мувофиқ Ахдлашувчи Томонлар ўртасидаги маслаҳатлардан сўнг амалга оширилиши мумкин.

5-модда

ЙИГИМЛАР

Ахдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхоналари бошқа Ахдлашувчи Томоннинг ҳудудида ҳаво кемалари аэропортлардан ва бошқа авиация асбоб-ускуналаридан фойдаланганлик учун ундириладиган йиғимлар энг мақбул режим яратиб берилган давлатларнинг ана шундай халқаро йўналишларда парвозни амалга оширувчи авиация корхоналари (МДҲ авиация корхоналаридан ташқари) тўлайдиган йиғимлардан юқори бўлмаслиги лозим.

6-модда

БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ ВА ТАРТИБОТЛАРИ

1. Хар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига қарашли халқаро йўналишлар бўйича парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемалари, шунингдек керакли асбоб-ускуналар, захира ёнилғи ва мойлаш материаллари, ана шундай ҳаво кемаларига ортилган ёки ундаги идишларга тўлдирилган ва ана шу ҳаво кемаси тўла фойдаланиши учун мўлжалланган кема ичидаги узга заҳиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида божхона солиқлари, инспекцион йиғимлар ва бошқа хил солиқлар ва тўловлардан озод қилинади.

2. Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига қарашли халқаро парвозни амалга оширувчи ҳаво кемаларига техника хизмати кўрсатиш ёки уларни таъмирлаш учун Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бирининг ҳудудига олиб кириладиган эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам ана шундай тартиб қўлланади.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири ҳаво кемасининг штатдаги асбоб-ускуналари, шунингдек ундаги материаллар ва узга эҳтиёт материаллар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ундаги божхона идораларининг рухсати билангина туширилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 1,2 ва 3-бандларида гап борган материалларга нисбатан уларни божхона кузатуви ёки назорати остида сайлаш талаби қўйилиши мумкин.

5. Исталган Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан бевосита транзит бўйича учиб утувчи пассажирлар оддийгина назоратдан ўтказиладилар. Бевосита транзитнинг багажи ва юклари божхона солиқлари ва бошқа-шу каби йиғимлардан озод қилинади.

7-модда.

АДОЛАТЛИ ВА ТЕНГ ШАРОИТЛАР

Хар иккала Аҳдлашувчи белгиланган Томоннинг авиакорхоналари учун иккала Томон ҳудуди ўртасида йўналишлар бўйича шартлашилган йўллардан фойдаланиш учун адолатли ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

8-модда

ТАЙИНЛАНГАН АВИАКОРХОНАЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ

Хар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси шартлашилган йуллардан фойдаланиш чоғида бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхоналарининг манфаатларини ҳисобга олади. Бундан мақсад, ана шу авиакорхоналар амалга ошираётган ташишга нолозим тарзда таъсир кўрсатмаслиқдир.

9-модда

ҲАЖМЛАР

1. Мувофиқлаштирилган ташиш бошлангунига қадар унинг ҳажмлари ва парвоз частоталари иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация идоралари ўртасида 7 ва 8-моддаларда баён этилган қоидаларга ва ушбу модданинг қоидаларига мувофиқлаштирилиши ҳамда дипломатия ноталари алмашлаш билан тасдиқланиши лозим.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бирининг авиакорхонаси тайинлаган ташиш ҳажмларини ва /ёки парвоз частоталарини ҳар қандай тарзда ошириш биринчи навбатда Аҳдлашувчи Томонлар ҳудуди ўртасида амалга ошириладиган ташишга буладиган эҳтиёжга асосланиши ва бунга авиация идоралари ўртасидаги келишувга мувофиқгина йўли қўйилиши лозим. Бундай келишувга эришилгунга қадар амалдаги ҳажмлар ва частоталар сақланиб қолади.

3. Хар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига қаршли ҳаво кемаларининг қушимча ва чартер рейслари бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқаро авиацияси идорасининг руҳсати билан амалга оширилиши мумкин. Бундай парвозлар тасдиқланган жадвал бўйича бажариладиган парвозларга тижорат жиҳатидан зиён етказмаслиги лозим. Қушимча ёки чартер рейслари учун аризалар рейс бошланишига камида 72 соат қолганида берилиши лозим.

10-модда

ПАРВОЗЛАРНИ АҲБОРОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бирининг авиация маъмурлари ўзлари тайинлаган авиакорхоналари зиммасига авиация йўли

очирилишидан олдин бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация идорасига фойдаланиладиган ҳаво кемасининг тури, ҳаракат жадвали ва графиги, қўлланиладиган тарифлар ҳақида маълум қилиш, шунингдек парвозга тааллуқли бошқа ахборотларни, шу жумладан авиацияси идорасига ушбу Битим шартлари бажарилаётганлигини исботлаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш вазифасини юқлайди. Ушбу модданинг талабларига ҳаво катновида ўзгаришлар юз берган ҳолларда ҳам амал қилинади.

11-модда

СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бирининг авиация идоралари ўзлари тайинланган авиақорхоналари зиммасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация идорасига унинг ҳудудида ёки ҳудудидан шартлашилган йўллари бўйлаб амалга оширилган ташувнинг ҳажмларига доир статистика маълумотларини, шу жумладан ҳаво кемаси парвозга қутариладиган ва манзил белгиланган мамлакатларга, юк ортиш ҳамда юк тушириш жойларига доир статистика маълумотларини маълум қилиш вазифасини юқлайди. Бундай маълумотлар ҳар бир ой тугаганидан кейин имкон қадар қисқа фурсатда тайёрланиши лозим.

12-модда

ТАРИФЛАР

1. Ушбу модданинг кейинги бандларида ишлатиладиган "тариф" деган ибора йўловчилар ва юк ташиш нарҳини ҳамда бундай нарҳларни қўллаш шартларини, шу жумладан агентлик ва бошқа қўшимча хизматларнинг нарҳи ҳамда шартларини англатади, бироқ почта ташиш учун ҳақ тулаш ва унинг шартлари бундан мустасно.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бири тайинлаган авиация ташувчиси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига ташишда ёки унинг ҳудудидан ташишда қўллайдиган тарифлар ташишнинг қийматига, фойданинг оқилона миқдорига ва бошқа авиация компанияларининг тариф мезонларига қўйлашиб, оқилона меъёрларда белгиланади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида уқтириб утилган тарифлар имкон қадар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхоналари ўртасида мувофиқлаштирилади ва имкон қадар бундай келишувда ИАТА тартиботлари қўлланилади.

4. Бундай тарзда узаро мувофилаштирилган тарифлар улар жорий этилишига камида 90 (туксон) кун илгарида ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларининг тасдиғига таъдим этилиши шарт. Алоҳида ҳолларда бу муддат юқорида утириб утилган идораларнинг узаро келишувига мувофиқ қисқартирилиши мумкин.

5. Бундай тасдиқ оддийгина йул билан амалга оширилиши мумкин. Башарти, авиация маъмурларидан ҳеч бири (ушбу модданинг 4-бандига мувофиқ) тарифлар тасдиқлаш учун таъдим этилганидан кейин 30 кун мобайнида ўзининг норози эканлигини билдирмаса, тарифлар тасдиқланган ҳисобланади. Ушбу модданинг 4-бандига назарда тутилгани каби тасдиқлаш муддати қисқартирилса, авиация маъмурлари 30 кундан камроқ муддат ҳусусида келишиб олишлари мумкин, улар шу тарзда келишилган муддат ичида тарифга нисбатан ўз норозиликларини билдиришлари лозим.

6. Башарти, тарифлар ушбу модданинг 3-бандига биноан мувофилаштирила олинмаса ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмурлари ушбу модданинг 5-бандига биноан белгиланган муддат ичида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ таъдим этилган тарифларга нисбатан ўз норозилигини маълум қилса, ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари узаро келишув асосида тариф белгилашга ҳаракат қиладилар.

7. Башарти, авиация маъмурлари ушбу модданинг 4-бандига белгилангани каби таъдим этилган тарифларга норози бўлсалар ва улар ушбу модданинг 6-бандига белгиланган тартибда узаро мақбул тарифлар белгилашга муваффақ бўлмасалар, ўртадаги низо ушбу Битимнинг 18-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

8. Янги тарифлар белгилангунига қадар ушбу модданинг қоидаларига биноан белгиланган тарифлар ўз кучида қолади. Бирок, бу шартга риоя этиш тарифнинг амал қилиш муддатини узаро келишиб олинган муддатдан кўпи билан 12 (ун икки) ойга узайтириши мумкин.

13-модда

ВАКОЛАТХОНАЛАР

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида белгиланган йўналишлар бўйлаб ҳаво катновини таъминлаш учун ўз техникаси ва тижорат ходимларига эга бўлган ваколатхоналар очиш ҳамда фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бундай ваколатхоналар тегишли ҳудудда амалда бўлган тартибга биноан очилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ҳаво катновини таъминлаши учун таъсис этган ваколатхона муваффақиятли фаолият курсатиши йулида зарур ёрдам курсатади.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ўзининг ташишга доир ҳужжатларини ёзиб бериш ва ташувни сотиш борасида тенг имкониятларга эгадир. Бундай савдо-сотиқ ишлари сотув бўйича ўз оффиси, шунингдек савдо-сотиқ агентлиги ва/ёки туристик агентлик орқали маҳаллий ёки эркин алмаштириладиган ҳар қандай валютада ва кредит карточкаси бўйича ҳар қандай ~~шахс, ташкилот~~ ҳамда муассасага тааллуқли бўлиши мумкин.

14-модда

ИШЛАБ ТОПИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ УТКАЗИШ

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида топган пул маблағларининг харажатларидан ортиган қисмини ўзининг қароргоҳига ўтказиш ҳуқуқини беради. Бундай ўтказиш тушум келган ҳудудда амалда бўлган валютани тартибга солиш қоидаларига мувофиқ ҳар қандай конверцияланадиган валютада амалга оширилиши мумкин.

2. Пул маблағларини бундай тарзда ўтказиш валюта алмаштиришининг расмий курси асосида, валюта курси йўқ бўлгани тақдирда эса - пул маблағи ўтказиш вақтида устун бўлган бозор курси асосида амалга оширилади.

3. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солувчи махсус шартлашув амалда бўлса, бундай шартларшувнинг қоидалари ушбу модданинг 1-бандида уқтириб ўтилган маблағ ўтказишга ҳам татбиқ этилади.

15-модда

АВИАЦИЯ ҲАВФСИЗЛИГИ

1. Аҳдлашувчи Томонлар фуқаро авиациясининг гайриқонуний аралашув ҳатти-ҳаракатларидан ҳавфсизлигини таъминлашга доир халқаро қонунлардан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ бундай ўзаро мажбуриятлар ушбу Витимнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайдилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар заруратга қараб, фуқаро ҳаво кемасини ғайриқонуний тутқун қилишнинг, ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва қатновни таъминлаш воситаларига ҳавф туғдирувчи бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг, шунингдек фуқаро авиацияси ҳавфсизлигига таҳдид қилишнинг ҳар қандай кўриниши олдини олишга қаратилган ҳар қандай қумак беришни таъминлайдилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларини Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти томонидан белгиланган ва Халқаро фуқаро авиацияси бўйича Конвенцияга Иловаларда тавсифланган авиация ҳавфсизлиги талабларига мувофиқ қўрадилар. Бу талаблар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон ўзлари рўйхатга олган ҳаво кемаларининг ходимларидан, худди шунингдек ўз ҳудудларида доимий ёки вақтинча жойлашиб турган ҳаво кемаларининг ходимларидан, шунингдек ўз ҳудудларида жойлашган аэропортларнинг ходимлари фаолиятларини юқорида эслатиб ўтилган авиация ҳавфсизлиги талабларига мувофиқ амалга оширишларини талаб қиладилар.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири ҳаво кемасига хизмат кўрсатаётган ходимларга нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаси ўз ҳудуди чегараларига кириб келаётганида, ундан чиқиб кетаётганида ёки унда бўлиб турган вақтида ушбу модданинг 3-бандида ўқтирилган шартларга риоя этилиши мақсадида зарур талабларни қўйиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипаж аъзоларини, қўл юкини, багаж, юklar ва ҳаво кемасига олиб чиқиладиган бошқа юklarни юк ортиш ва туширишга қадар ёки ана шу жараёнларда текшириш учун ўз ҳудуди доирасида адекват ва самарали чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, оқилона доираларда ҳавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир сўровларини хайрихоҳлик билан қараб чиқади.

5. Башарти, фуқаро ҳаво кемаси тутқун қилиб олинса ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва қатновни таъминлаш воситаларига бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқа учун имконият яратиб бериш орқали бир-бирларига турлича қумак берадилар ва бундай кўнгилсизлик ёки таҳдидга жадал ҳамда бешикаст барҳам беришнинг барча зарур чора-тадбирларини қўрадилар.

6. Ушбу модданинг қоидаларидан ҳар қандай тарзда чекиниш ушбу Битимнинг 4-моддасини қўллашга асос бўлади.

16-модда

МАСЛАХАТЛАШУВ

Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ушбу Битимни қўллаш ва талкин этиш масалалари буйича жипс ҳамкорлик руҳида мунтазам маслаҳатлашиб турадилар.

17-модда

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ

1. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг исталган бир шартини ўзгартириш лозим деб ҳисобласа, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фикрини сўраши мумкин; авиация маъмурлари ўртасида музокаралар ёки ёзишмалар орқали ўтказилиши мумкин бўлган бундай маслаҳатлашувлар суров берилган кундан эътиборан 60(олтмиш) кундан кечиктирмай бошланиши лозим. Шу тарадаги маслаҳатлар натижасида ўзаро келишилган ҳар қандай ўзгаришлар дипломатия ноталари алмашиш орқали тасдиқланганидан кейин кучга киради.

2. Башарти, ўзгаришлар Иловада белгиланадиган йўналишларга тааллуқли бўлса, маслаҳатлар Аҳдлашувчи Томонлар авиация маъмурлари ўртасида бевосита амалга оширилади ва уларнинг шартлашувлари ўзаро мактуб алмашиш билан тасдиқланади.

18-модда

НИЗОЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ

Ушбу Битимни талкин этиш ёки қўллашга доир ҳар қандай низога авиация маъмурлари ўртасида бевосита музокаралар орқали барҳам берилиши лозим, башарти, авиация идоралари бир битимга келмасалар, низо ҳал этиш учун Аҳдлашувчи Томонларга оширилади.

19-модда

ХАВО КАТНОВИГА ДОИР КУПТОМОНЛАМА КОНВЕНЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

1. Конвенциянинг қоидалари ушбу Битимга мувофиқ белгиланган ҳаво катновига таъбиқ этиладиган доираларда Битимнинг таркибий қисми сифатида Битим амал қилиш даврида Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ўз қучида қолади, бироқ бундан ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон Конвенцияга киритилган ҳар қандай тўлдиришни ратификация қилган ва бу тўлдириш лозим тартибда қучга кирган ҳоллар мустасно, тегишинча тўзатишган Конвенция ушбу Битим амал қилиши даврида ўз қучида қолади.

2. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон иштирокчиси бўлган ҳаво катнови бўйича умумий куптомонлама конвенция қучга киргани тақдирда, ана шу сўнгги конвенция устун туради.

20-модда

ИЛОВА

Башарти, ўзга қоида зикр этилмаган бўлса, ушбу Битимнинг Иловасига нисбатан Битимнинг бир қисми сифатида қаралади ва мазкур Битимга таъниб иш қўришда Илова ҳам эътиборда тутилади.

21-модда

БИТИМНИНГ ҚУЧГА КИРИШИ

Конунга биноан барча зарур тартиботлар бажариб бўлингач Битим у имзоланган кундан эътиборан қучга киради.

22-модда

БИТИМ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ

Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири хоҳлаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимни амалдан тўхтатиш истагида эканлигидан хабардор қилиши мумкин. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилотига ҳам юборилиши лозим.

Хабарнома юборилганидан кейин бошқа Аҳдлашувчи Томон уни олгач ун икки ойдан кейин ушбу Битим амал қилишдан тухтайди, башарти, хабарнома иккала Томоннинг ўзаро розилиги билан уктириб ўтилган муддат ичида қайтариб олинмаса. Башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти хабарнома олганидан кейин ун тўрт кун ўтгач бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган ҳисобланади.

19 93 йил " 24 " май да ўзбек, ҳинд ва инглиз тилларида икки нусхадан жами олти асл нусхада тузилди, ҳар уч тилдаги матн бир хил кучга эга. Талқин қилишда, ҳамфикрлик бўлмаса, инглиз тилидаги матн қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан

Ҳиндистон Республикаси
Ҳукумати номидан

С. Сафаров

Samir Kumar

ИЛОВА

I БҮЛИМ

Ҳиндистоннинг тайинланган авиакорхонаси парвознинг қуйидаги маршрутлари бўйича ҳаво йулларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади:

Жунаш пункти	Оралик пунктлари	Белгиланган пунктлар	Ташқаридаги пунктлар
Ҳиндистондаги пунктлар	Қозоғистон, Қир- ғизистон, Тожи- кистон, Туркма- нистон, Озарбай- жондаги исталган пункт	Тошкент	Қозоғистон, Қир- ғизистон, Тожи- кистон, Туркма- нистон, Озарбай- жондаги истал- ган пункт

II БҮЛИМ

Ўзбекистоннинг тайинланган авиакорхонаси парвознинг қуйидаги маршрутлари бўйича ҳаво йулларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади:

Жунаш пункти	Оралик пунктлари	Белгиланган пунктлар
Ўзбекистондаги пунктлар		Нью-Дели

ИЗОХ

1. Ҳиндистоннинг тайинланган авиакорхонаси ҳар бир рейс чоғида Тошкент билан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжондаги пунктлар ўртасидаги қайтиб босиб утилмайдиган айланма йуллардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.